

ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№34 (7009-7010)
1999 йил, 21 октябрь

Сотувда эркин нархда

Бугун ўзбек тилига давлат мақоми берилганига ўн йил бўлди

ҚОНУНДА ҚУРИҚЛАНГАН ТИЛИМ

Мурғак дилга меҳр бердинг, дил бердинг,
Бошга қилич келса сотмас - тил бердинг.
Юрагингга тош отсалар ғанимлар
Ҳатто ётга кулиб туриб гул бердинг...

Бу сатрлар билан бошланувчи кеча - «Тилим, дилим - бир менинг» деб ном олди. Ўзбекистон байроғи лицей интернатимиз узра ҳилпираб экан, мадҳиянинг жаранги кечага йиғилганларни ўрнидан қўзғатди. Лицей директори Баҳромжон Темиров тил байрамга бағишлаб ўтказилаётган кечани очиқ деб эълон қилгач, ўз тилимиз мўъжизаси тил ҳақида устоз Шодмонали Раҳимов, Иқболжон Жалилов, Муяссар Тошшўлатовалар ҳам сўз олди. Тилга эътибор - элга бўлган эътибордан дарақ беришини биз лицей ўқувчилари чин дилдан ҳис қиламиз. Мустақиллик айниқса, адабиёт аҳлига кўп имкониятлар берди. Соф

ўзбек тилида сўзлаётган рус ва бошқа миллат тенгдошларимни кўриб хурсанд бўламан. Улар нафақат она тилимизни, балки миллий урф-одатларимизни ҳам яхши ўзлаштириб олганлар. Чунки, улар ҳам - Ўзбекистон фарзандлари. Она тилимизнинг бугунги байрами - нафақат биз лицей ўқувчиларини, балки бутун ўзбекистонлик ёшлар байраמידир.

16 февраль воқеаси содир бўлган жойдан жасорат билан юртбошимиз соф ўзбек тилида қилган мурожаати ҳозиргача қулоғим остида жаранглайди. Мен сизларни ҳеч кимга бермайман, сизларни мендан ҳеч ким тортиб ололмайди. Агарда менга

ёрдам бермоқчи бўлсангиз, ҳеч нарсадан қўрқманглар, ваҳимага тушманглар. Сизлар менинг фарзандимсиз! Мен сизларни олдингизда оталик бурчимни бажаришим керак! - дегандилар юртбошимиз.

Биз ёшлар ҳам юртбошимизни ва жондек азиз ватанимиз ва унда жаранглаб турадиган она тилимизни ҳеч кимга бермаймиз!

Мадина
БОНУ ДАВИДОВА,
Балиқчи
туманидаги 12-лицей
интернати
8-синф ўқувчиси



ЛИБОСДАГИ МИЛЛИЙЛИК

Ҳозирги кунда энг кўп юритилаётган сўз «миллийлик»дир. Мен кўлимга қалам олиб ўзбек қизларининг миллий либос кийган, миллий соч турмаклаганлари ҳақида ёзмоқчи эдим. Аммо юз-кўзида миллийлик уфуриб турган қизни учратмадим. Қайси қизга қараманг сочлари кесилган, бирлари туркча, бирлари арабча либос кийишган. Сўзлашаётганларида эса ўзбекчадан кўра рус сўзларини кўпроқ ишлатишади. Одамлар бундай ҳолатларга кўникиб кетишган, аммо бошқа юртлардан келган меҳмонлар бири араб, бири турк либосларини кийган қизларни кўриб нима деб йлайди. «Бу халқнинг миллий либоси борми?», дейишмайдими. Қани бизнинг аввалги Кумушбибию, ҳаёли Раъноларимиз? Мен бу сўзим билан ўзбек қизлари XVII-XVIII асрга қайтишсин демоқчи эмасман. Тўғрироғи, ўзбек қизларининг замонавий кийинишларига қарши эмасман. Аммо, ҳар бир либосда ҳаминша миллийлик устун бўлиши керак. Ўзбек қизлари билимли, зукко бўлишлари билан бир қаторда, замонга хос бўлган миллий либос кийсалар бу нур устига аъло нур бўлар эди.

Гулноза УБАЙДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар,
Юнусобод туманидаги
274-мактабининг
8-«Б» синф ўқувчиси.

ИЛК ТЕРИМ

Бу йил бизнинг мактаб ўқувчилари биринчи марта пахта теримига чиқишди. Пахтазор томон борар эканмиз биз бўлажак теримчиларнинг дилида озгина ҳаяжон бор эди: Қандай терар эканмиз?

Ниҳоят ўй-хаёллар ва қизгин суҳбатлар билан пахтазорга етиб келдик. Автобусдан тушишимиз билан далада эсаётган шамол юзга урилди. Атрофга разм солдим: Кенг дала, қушларнинг овозлари қулоққа жуда ёқимли эшитиларди.


Шундай қилиб, этакларимизни ўқитувчилар ёрдамида (ҳеч ким этак боғлашни билмас экан) боғлаб, илк теримни бошлаб юбордик. Пахтазор оппоқ ва юмшоқ эди. Кўзни оладиган бу «оқ олтин»ларни кўрганимда, шунчалар ҳавас қилдим-ки, ҳеч қачон уларга гард юқтирмасдан териб олишга аҳд қилдим. Хуллас, иш қизиб кетди. Латифалар, турли хил ҳангомалар ва ҳар жойдан эшитилаётган шод-хуррам, қаҳқаҳа овозлар шу вақтгача сукутга турган далага файз киритиб юборди. Ўйнаб-қулиб ҳавас билан пахта тердик. Баъзан осмонга қараганча туриб қоламиз. Кўкка парвоз қилган қарғалар қағиллагани,

турналарнинг арғимчоқ мисол учиши завқимизни келтирарди.

Сўнг яна терим билан машғул бўлдик. Ўқитувчилар тушникка чорлагач, барча этакларимиз тўлгач, пахта ортилган «туялар карвони» тарози томон йўл олди. Барча тушлик қилиб олгач, яна пахтазорга қайтдик. Тушдан сўнг ҳам шунча пахта тердик.

Хуллас, пахтага чиқишимизнинг биринчи йили, биринчи куни шундай кечди. Эҳтимол бу жуда оддий кўринар, аммо биз бу кунни ёддан чиқармаймиз. Чунки бу илк терим эди.

Латофат НАЗАРОВА,
Тошкент вилояти,
Бўка туманидаги
1-мактабининг
8-синф ўқувчиси.



Фидокорлар миллий - демократик партиясининг ёшлар қаноти ўз эътиборини энг аввало маҳалла ва қишлоқ ёшлари билан ишлашга, қолаверса, ишчи, ўқувчи ва талаба йигит-қизлар ўртасида амалга ошириладиган тadbирларни янада мукамаллаштиришга қаратади. Ёшлар орасига фидойилик ғоясини олиб киришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Куни кеча бўлиб ўтган «Фидокорлар Миллий демократик партиясининг ёшлар ичига кириб бориш концепцияси» мавзусидаги анжуманда шулар ҳақида гап борди. Анжуманда ФМДПнинг ёшлар қаноти борасидаги қарашлари тўғрисида суҳбатлашилди. Жумладан, ёшлар қаноти сардори Зафаржон Содиқжонов йиғилишни очиб, шундай деди:

-Ёшлар қаноти тузилганига олти ой бўлганига қарамай, жуда кўп

ишлар режалаштирилди ва амалга оширилди. Партиянинг ёшлар қаноти жойларда ёшлар билан ишлашга уларнинг муаммоларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда уларнинг қизиқиш ва хоҳиш истаклари асосида ташкилотлар тузишга ёрдам бериш нуқтаи назаридан ёндошади.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАР БОР ЖОЙГА ЁШЛАР КИРИБ БОРАДИ

Биз «Қийинчиликлар бор жойга фидокор ёшлар кириб боради, фидокор ёшлар кириб борган жойда қийинчиликлар барҳам топади» шиори остида иш олиб борамиз. Туман ёш лидерлари кенгаши маҳаллаларда, ўқув даргоҳларида ўз бошланғич ташкилотларини тузиш ва улар орқали ёшлар ўртасидаги фаолиятни янада

такомиллаштиришни кўзлайди.

ФМДП ёшлар қаноти маҳалла ва қишлоқларда иш олиб боришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади. Мактаб, лицей, коллежларда ФМДП ёшлар бўғинининг болалар ва ўсмирлар қисмлари фаолият кўрсатади.

Ҳаракатнинг болалар қисми «Эъзоз ҳаракати» мактаб ва лицейларнинг 8-14 ёш оралигидаги қисмини қамраб олади. 15-17 ёш оралигидаги ўсмирлар «Ёш экологлар» ҳаракатида фаолият кўрсатишади.

«Ёш экологлар» ўзлари йиққан макулатура ва темир-терсакни корхоналарга топширишади. Бунда

«Ёш экологлар» бевосита ўз қабул пунктларини тузган ҳолда, тушган даромадни ёшлар жамғармаси маблағини шакллантиришга ишлатадилар.

Шунингдек, ҳар бир тумanning йил давомида энг фаол аъзоси деб топилган «Эъзоз» ҳаракати қатнашчиси туман халқ таълими бўлими билан келишилган ҳолда лицейга имтиҳонсиз қабул қилинади.

Бундан ташқари, ФМДП ёшлар бўғини, унинг таркибидаги «Эъзоз» ва «Экология» ҳаракатлар қатнашчилари қуйидаги нишон ва белгиларга эга бўладилар: эмблема, байроқ, форма, нишон, шиорлар, ҳаракат гимнидан иборат.

Бир сўз билан айтганда, юқоридагилардан асосий мақсад, ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат.

ГУЛЮЗ

ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДИМИЗ

Юртимизда мустақилликнинг оромбахш шабадалари эсаётганининг 9-йилида яшаймиз-у, айрим тенгдошларим ҳамон ҳозирги ҳурлик, эркин ҳаётни эмас, фақат қорин ташвиши билан яшаётгандек, назаримда. Энг ачинарлиси ва хавfli томони шунда-ки, бу тоифа ёшлар ўз қобилларига ўзлари ўралганлари етмагандек, ўзларининг бу «касалик»ларини атрофдагиларга ҳам юктиришга ҳаракат қилишади.

Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, азиз Ватанимни бутун дунёга машҳур қилишни ният қилган, жаҳон тараққиёти ва маданияти билан баробар одимлашга интиладиган ёшлар қаторида бўлишни орзу қиламан.

Яқинда мактабимизда «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва огоҳликка даъват этиш» мавзусида юқори синф ўқувчилари ўртасида. Собир Раҳимов туман «вояга етмаганлар» билан ишлаш комиссиясининг масъул котиби Шохиста Салимова ва туман халқ таълими бўлими инспектори Цой Малика Махашовна иштирокида ўтказилган суҳбат қалбимдаги истак билан ҳамоҳанг ҳолда қўлимга қалам тутқазди.

Унда ҳар бир ўқувчи Қирғизистоннинг жанубидаги воқеаларга, динни ниқоб қилиб олиб, ёшлар онгини захарлаётган террорчиларга қарши нафратини изҳор қилишга интилди. Қирғизистонлик тенгдошларим ҳаётини хавф остида қолдираётган, уларнинг тинчгина ўқиб, илм олишларига тўсқинлик қилаётган бундай кимсаларга нафратим ошди.

Мен қатори барча тенгдошларим - Раъно Тошхўжаева, Мирғиёс Саидов, Муножат Муталова, Комола

Ортиқбоевалар ҳам шу мавзу ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мен Президент фарзандиман. Ўз илмим, кучимни Ватанимнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида сарфлайман.

СЎЗЛАГУВЧИ ТИЛИМ БОР

Бу каби тadbирлар мактабимизда жуда кўп бўлади. Жумладан, ҳафтанинг душанба ва шанба кунлари ўқувчилар тadbiri бўлиб ўтади. Унда навбатчи синф мамлакатимизда бўлаётган муҳим воқеалар, хабарлар билан ўқувчиларни таништириб борадилар. Яқинда бўлиб ўтган тadbирда тил байрами ҳақида маълумотлар берилди. Зероки, тил билган - эл билади. 1989 йил 21 октябрь куни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Шундан буён ўзбек тилимизнинг миллий қадриятлари янада тикланиб бормоқда. Жонажон тилимизни юқори чўққиларга кўтариш биз келажак авлоднинг бурчидир.

Барно АБДУРАҲМОНОВА,
Собир Раҳимов
туманидаги 23- мактабнинг
11- «А» синф ўқувчиси.

МУСТАҚИЛЛИК

*Мустақиллик неъматини бизга
Насиб этди, суюнгин ўртоқ.
Темур бобом-ўз бобомиздир
Уни эслаб фақат олға боқ.*

*Юртим Аллоҳ назари тушган
Сўлим ўлка жаннат мисоли
Биз паҳлавон фарзанди бўлиб
Дардларидан қилармиз ҳоли.*

Фахриддин ИШМЕТОВ,
Тошкент шаҳар, Юнусобод
туманидаги 258- мактабнинг 7-
«Д» синф ўқувчиси.

Сиз «Тонг юлдузи» -
га обуна
бўлдингизми?



КАТТАЛАР, КИЧИКЛАР КҮНЛИГА КИРАЙЛИК...

15 июнь сонидagi «Катталар, кичиклар кўнлига кирайлик» мақоласини ўқидиму Маҳмуда Валиевага жуда ҳавасим келди.

Ўқувчи юрагидагини тортинмасдан устозига айтса, ундан маслаҳат олса қандай яхши. Маҳмуда опа айтганларидек, «Хитой девори» аллақачон бузилиши керак.

Ушбу мақолани ўқияпману юрагимда нимадир мени ҳаяжонлантира бошлади. Худди яқин кишим билан сўзлашаётгандек бўлдим.

Маҳмуда опа! Қани энди сизга ўхшаган муаллимлар кўпайса. Сиз айтган устоз ва шогирд яқинлигининг умри узоқ бўлса. «Хитой девори» ўрнини самимийлик, ҳурмат, эҳтиром, меҳру-муҳаббат эгалласа. Ўқувчи устозига ўз ота-онаси каби интилса. Ўз ўрнида устоз ҳам ўқувчисини фарзандидек кўрсин.

Маҳмуда опа каби барча устозларга - сира толманг, шогирдингиз эҳтироми куч-қувват берсин, сиздай муаллимларни Аллоҳ паноҳида асрасин, дегим келади.

Азиза БОЙМУРОДОВА,
Самарқанд вилояти,
Каттақўрғон туманидаги
61- мактаб.

ЁШ МУҲБИРГА ЭСЛАТМА

Сен ўқишда, меҳнатда, интизомда ва жамоат ишида бошқа ўқувчиларга ўрнак бўлишинг керак.

Газетага: мактаб ва синфингдаги яхши ишларни, қизиқ воқеаларни турли тўғарақларда ҳунар ўрганаётган ўртоқларинг тўғрисида, далаларда, чорва фермаларида ота-оналарига кўмаклашга ётган тенгдошларинг ҳақида, ёш табиатшунослар, ўлкасевар саёҳатчилар, жонкуяр

етакчилар, соғ юрак - тоғ юрак эканини англаб спорт билан жиддий шугулланаётган тенгдошларинг ва уларнинг ишлари ҳақида ёзиб юбор.

Сен ва ўртоқларинг нималар ҳақида тортишасизлар, баҳслашасизлар, бўш вақтларни қандай ўтказасизлар - шулар ҳақида ҳам ёз.

Газетамизда чиққан мақолаларни синфдошларинг билан муҳокама қил. Улар ҳақида фикрингни, болаларнинг фикрини ёзиб юбор.

Бир мақолада ҳамма нарсалар ҳақида ёзма. Яхшиси, бир фактни олиб уни мукамал ёритишга ҳаракат қил.

Камчиликлардан кўз юмма.

Улар ҳақида дарҳол хабар қил. Лекин ёзишдан аввал унинг тўғрилигини текшир.


Ўз деворий газетангнинг актив муҳбири бўл.

Бизга хабар ёзганда сиёҳ билан равшан ва пухта ёз.

Ҳат ёзганда қайси мактабда, нечанчи синфда ўқишингни, сен аъзо бўлган тўғарақ номини, исм-фамилиянгни тўла кўрсат.

ОСМОНГА ЯҚИН БИНОЛАР

Дунёдаги энг осмон-ўпар бино АҚШда бунёд этилган. Бу "Эмпай Стейт Билдинг" биноси бўлиб, у Нью-Йоркда 1928-1931 йилларда қурилган. Унинг баландлиги - 381 метр. 1951 йил бу бинонинг устига телеминара ўрнатишди. Натижада унинг баландлиги 442 м. - 102 қаватни ташкил этди. Агарда юқори қаватга пиёда



чиқмоқчи бўлсангиз 1860 зинани босиб ўтасиз. Шунинг учун яхши си мижозлар хизматига шай турган 63 лифт-

ларнинг биридан фойдалана қолинг.

Бино ичига 1000 та фирманинг офиси жойлашган. Бу ерда 25000 нафар кишилар ишлайди. Булардан 1000 таси бино учун хизмат қиладди. Бинонинг 6500 ойнаси бор, Нью-Йоркда яна иккита Эйфель минорасидан баланд бўлган осмонўпар иморат бор. Уларнинг баландлиги 412 ва 324 м.


ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Дунёнинг деярли барча йирик шаҳарларида ҳайвонот боғлари бор. Бу ерда шер, айиқ, маймун, фил каби ёввойи ҳайвонлар сақланади.

Ҳайвонот боғи асосан минглаб кишиларнинг дам олиш жойи. Шунинг учун ҳам, эҳтиёт шарт ҳайвонлар катакларда сақланади. Лекин бу тўсиқлар болалар ва ҳайвонлар ўртасидаги муносабатни буза олмайди. Дунёдаги энг катта ва қизиқарли ҳайвонот боғи Парижнинг Венсенна шаҳрида жойлашган. Бу ерда ҳар қанақанги ҳайвон турини топиш мумкин. Кечқурун ва қаҳрамон қишда ҳайвон катаклари мато билан ўраб қўйилади. Лекин уларни боқиш ҳам осон эмас. Биргина фил ҳар куни 100 кг озуқа ейди.



УЙ БЕКАСИ - РОБОТ



Робот яратиш гоёси муҳандислик гоёси пайдо бўлганидан буён бор.

Лекин робот сўзи муҳандислар ихтироси эмас. Унинг "ном"ини 1920 йил "Р.У.Р." номли саргузашт роман яратган ёзувчи Карел Чапек қўйган.

Ишлаб чиқариш ва техниканинг мукаммаллашуви натижасида инсонни нусхаси темирга кўчирилди. Лекин ҳали ҳам мукамал ўрганилмаган инсон миясини эквивалентини яратишда олимлар кўп ўйлашади.

Роботлар инсонга ёрдамчи, асосан жисмоний қийин ишларни роботлар қиладди. Олимларнинг таъкидлашларича, робототехниканинг келажаги порлоқ. Энди у компьютер техникаси билан қўшилади. Ана унда уй юмушларимизда ҳам бизга ёрдамчи топилади.

ЖИНСИЛАР ШАЖАРАСИ

Бугун юртимизда урф бўлган жинсининг ота-болари ўша матоларни санъат даражасига кўтарган қадим Франциянинг Ним шаҳридан. Айнан ўша ерда XVI асрда илк бора кема елканлари учун жуда пишиқ матолар тўқилган. Бу матони деним деб аташди. Бу Нимда ишлаб чиқилган деган маънони англатарди.

Бу матодан матросларга жинсининг аждоди бўлган шимлар тикилган. Шимлар чиройли бўлиши учун ёрқин кўк рангга бўялган. Денгиз юришлари ривожланиши билан кийим Америкада чавандозлар ва ишчилар учун урф бўлди. XVIII аср охирига келиб денимдан тикилган шимлар АҚШ аҳолисининг доимий кийимига айланди.

XX асрнинг 30-йилларига келиб жинси умумий тарзда урф бўлди.

Америкалик хонимлар жинсини кийиш учун яна 10 йил кутдилар. Бу жинси жуда пишиқлиги ва замонавийлиги билан олий даражага чиқиб олди. Ҳозирда жинсининг фирмалари ўз маҳсулотларига белги қўядилар.

Бугунги кунда Париждаги музейда 1793 йилдан бошлаб то шу бугунги кунгача ишлаб чиқилган жинсиларнинг намуналарини топиш мумкин.


СИЧҚОН БИЛАН СИРЛАШГАН МУШУК

Албатта, ҳайвонлар инсон тилида мулоқот қила олмайдилар. Лекин ҳаракат, ҳар хил товушлар орқали улар ўзаро мулоқотга киридилар. Нафақат ҳайвонлар, балки инсонлар ҳам доимо сўз билан мулоқотга киришавермайдилар. Масалан, норозилигимизни билдиришнинг бир қанча йўллари бор. Бефарқликни елка қисиш, қаршиликни бош тебратиш, қўл силташ орқали билдирамиз. Агар от туюқларини ерга урса, у дўстларини огоҳлантираётган бўлади. Баъзи ҳайвону паррандалар салгина қилинган ҳаракатларни ҳам зийраклик билан англайдилар. Мисол учун, қуш шоҳга у ёқ-бу ёққа қараш учунгина қўнган бўлса, бошқа қушлар безовталанмайдилар. Қуш шу мақсадда шоҳга қўнсаю, бироз ҳаялласса, шериклари уни бу ердан учиб кетишига ишора қиладилар. Қуш бунини тушуниб, учиб кетади. Кучуклар эса турли усуллар орқали мулоқот қиладилар. Вовиллайдилар, уришадилар, увиллайди, оёқларини

юқорига кўтаради, тишларини гичирлатади. Бу ҳаракатларни бошқа итлар жуда яхши тушунишади.

Ҳайвонлар бир-бирлари билан фақатгина товуш чиқариш орқали муносабатда бўлмайдилар. Улар ҳид ёрдамидан ҳам фойдаланадилар. Бу қушлар галаси, ҳайвонлар тўдасига хос. Улар ҳид ёрдамида тарқаб кетмайдилар. Ҳиднинг итлар ҳаётида қандай ўрин тутиши эса ўзингизга аён.

Маймунлар эса анча идрокли ҳисоблансаларда, уларнинг "тили" ҳам бошқа ҳайвонларникидан қолишмайди. Улар товуш ва ҳаракат орқали оч қолганлари, хафалигу, розилиқларини билдирадилар. Лекин инсондан фаркли ўлароқ ҳайвонлар "ўз тилларини" туғилганларида биладилар. Гўдаклар эса гапиришни, мулоқотни, муомалани ўрганадилар. Ҳайвонлар эса ҳар қандай мулоқотда ҳам ҳис-туйғуларини, кечинмаларини билдирадилар, ҳақиқий суҳбат эса...



Пазанда ЁНҒОҚЛИ КЕКС

Масаллик: 1 стакан ун, 1 стакан қанд упаси, 1 стакан тухум оқи, 1 стакан майдаланган ёнғоқ мағзи, ярим стакан майиз.

Эланган ун ёнғоқ мағзи ва майиз билан аралаштирилади: тухум оқини кўпиртирилади, кўпиртираётган вақтда унга қанд упасини аста-секин қўшиб бориш керак. Қанд упаси билан аралашиб қаттиқ бўлиб кўпирган тухум оқига майиз ва ёнғоқ аралаштирилган унни қўшилади ва охиста аралаштирилади. Сўнг бу ҳамир

қолипга қуйилади. Қолипга ҳамир солишдан олдин қолип тагини ёғлаб, озроқ ун сеппишни ва ёғлиқ қоғоз қўйишни унутманг.

Кекс 230-240 даражали духовкада 50-60 дақиқада пишади. Пишган кексни бир кеча-кундуз совутилгач истеъмол қилинса, мазали бўлади.



Саҳифани Мунаввара ПИРМАТОВА тайёрлади.

ТЕЖАМКОРЛИК СИРИ



Жон Смит оиласига эндиги ойлардан олдинги ойларга нисбатан икки барабар кўп маблағ тежашлари лозимлигини таъкидлади. Улар биринчи ойда 1 доллар, 2 ойда 2 доллар, 3 ойда 4 доллар йиғадиган бўлишди. Иш шу даражада давом этса, оила бир йилда неча доллар жамғаради?

ЯНГИ ЎҚИТУВЧИ ҚАНГОМАСИ



Калифорния университети-нинг ўқитувчилари ўз ҳамкасбларидан таажжубга тушдилар. Унинг ойлик моянаси..... миқдорда бўлиб, 6 ойдан кейин бу маош 3 минг долларгача кўтарилди. Шунда у деди: "Қандай бахтли сана! Агар уни 10 га бўлсак, 9 қолади. 9 га бўлсак 8 ва шу каби давом этади. Охир оқибат бор суммани 2 га бўлсак 1 қолади".

Янги ўқитувчининг биринчи маоши қанча бўлган?

ЁҚИМЛИ ИШТАҲА



Нон дўконига уч аёл кирди. Улардан бири пештахтада турган ноннинг ярмини ва буханка ноннинг ҳам ярмини харид қилди. Қолган аёллар ҳам шундай қилишди. Улар кетганидан сўнг дўкон ёпилди. Чунки нон тугаб қолган эди. Бу орада сотувчида бирорта буханкани тенг иккига бўлиш эҳтиёжи туғилмаган эди. Харидорлар келгунга қадар дўконда қанча буханка бўлган?

100 ГА ЕТИШ ОСОНМИ?



Ким топқир?

Жавоби 100 га тенг бўладиган усул топинг. Бу амални рақамлар орасига қўшув, айирув белгиларини қўйган ҳолда бажаринг. Бунда қўшув, айирувни энг кам ишлатинг.
987654321=100

МЕН МУШУКМАН



Бир ҳайвон бор. Боши, думи худди мушукниқига ўхшайди. Мушук севган овқатларни истеъмол қилади. Лекин у мушук эмас. Бу ҳайвонни танидингизми? У нима?

ҲОЗИР НИМА ИЧДИМ?



Қари жентельмен тушликдан кейинги коктейлни ҳузур билан ичди. Бу оромбахш дақиқаларни такрорлаш мақсадида стаканига разм солди. Бироқ ҳозир нима ичганини сира эслай олмади. Шунда официантни чақириб деди: "Агар мен ҳозир бренди ичган бўлсам, портвейн хоҳлайман. Мабодо стаканимда портвейн бўлган бўлса мадер ичаман. Ёки боя мадер келтирган бўлсангиз навбат брендига экан". Официант унга портвейн келтирди. Жентельмен портвейндан олдин нима ичган эди?

БОР БАРАКА



Ранчонинг иш юритувчиси чавандозга 4 сигир ва 3 отни харид қилишни таклиф қилди. 37 доллар 3 сигир учун, 33 долларни 4 отга беришни таклиф қилди. Бир бош сигир ва от қанча туради?

КИМ КАТТА?



Уч йил аввал Лола синглицси Камоладан 7 марта катта эди. Икки йил аввал Лола Камоладан 4 марта катта эди. Бир йил аввал Лола Камоладан 3 марта катта эди. Лола ва Камола неча ёшда?

БУ ҚАЙСИ КУН?



Агар бу кун душанбадан кейин, пайшанбадан олдин келмаса, эртага ҳам неча ҳам якшанба бўлмаган, индинга шанба, ўтган кун чоршанба бўлмаса қайси кун ҳақида гапирилмоқда?

БИРЛАШГАН ЎЗАР



Бирор ишни бажариш учун етти ярим соат вақтим кетади. Худди шу иш учун сизга беш соат кифоя. Мазкур ишни биргаликда бажаришимиз учун қанча вақтимиз кетади?

МЕН КИММАН?



Сизга бунни беришган ва бугун ҳам у сизга тегишли. Сиз уни ҳеч қачон, ҳеч кимга бермагансиз лекин ундан ҳамма танишларингиз фойдаланишади. Нима бу?

АМРИНГИЗГА МУНТАЗИРМИЗ



Майор аскарларига жанг майдонига етиб бориши учун қанча вақт сарф бўлиши билан қизиқди. У сержантдан сўради: "Агар 5 аскар биринчи 5 км.ни 5 дақиқада босиб ўтса, 4 км.ни 100 дақиқада босиб ўтиш учун неча аскар керак бўлади?"

Сержант майорга нима деб жавоб берди?

Тест

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1. **Жавобларнинг қайси бирида кўчирма гап тўғри берилган?**

- А. Салима уйни супуриб, ахлатини кўчага ташлади.
- В. "Шоир қаер тўғрисида, нима тўғрисида ёзмасин, аввало, ўзи тўғрисида, ўз халқи ва юрти тўғрисида ёзади", - дейди шоир.

2. **Лавлагидан 15% шакар чиқиши аниқланди. 6 тонна шакар олиш учун қанча лавлаги қайта ишланиши керак.**

- А. 15 т
- В. 40 т
- С. 42 т
- Д. 60 т
- Е. 54 т

3. **Одами эрсанг демагил одами, Оники йўқ халқ ғамидин ғами.**

- А. "Хайратул-Аброр"
- В. "Сабъаи Сайёр"
- С. "Фарҳод ва Ширин"
- Д. "Маҳбуб-ул-қулуб"
- Е. "Лисон-ут-тайр"

4. **Кумуш қишдан, зумрад баҳордан, Қолишмайди кузнинг зийнати.**

Юқоридаги шеъринг мисраларда бадий тасвир воситаларидан қайси бири ишлатилган?

- А. Ўхшатиш
- В. Кичрайтириш
- С. Сифатлаш
- Д. Жонлантириш
- Е. Муболага

5. **Америка Қўшма Штатларнинг биринчи президентини аниқланг.**

- А. Г.Жеферсон
- В. Д.Вашингтон
- С. Т.Пеин
- Д. А.Линкольн
- Е. А.Грант

6. **Қайси йирик давлат арбоби нутқидан сўнг халқаро муносабатларда "совуқ уруш" даври бошланди?**

- А. Рузвельт
- В. Трумэн
- С. Де-Голл
- Д. Черчилл
- Е. Эйзенхауэр



“ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР” СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИНИНГ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛГИ МАВСУМИ

“Иқтисодиётдан - сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсининг 1999-2000 йилги мавсуми лойиҳа муаллифлари - фан номзодлари Эргашвой Сариқов ва Баҳодир Хайдаровларнинг ташаббуси билан яна бошланди. Бу йилги конкурс билан бир қаторда яна уч йўналиш бўйича алоҳида кичик конкурслар ўтказилади:

I йўналиш: Энг яхши иқтисодий мазмундаги мақолалар конкурси

II йўналиш: Энг яхши бизнес режа лойиҳалари конкурси

III йўналиш: Энг яхши рекламалар конкурси

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсининг ўзагини ўқув йили давомида олиб бориладиган дарс топшириқлари асосидаги асосий конкурс ташкил қилади. Бошқа кичик конкурсларга қатнашмоқчи бўлган ўқувчилар бу асосий конкурс шартларини йил давомида бажариб боришлари шарт.

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсига оид дарс материаллари ва топшириқлари ҳар ҳафта газета орқали бериб борилади. Сиз дарс материалини ўрганиб чиқиб, топшириқларни бажариб жавоб йўлашингиз зарур бўлади. Топшириқ шартлари газетадан кўчириб олишингиз ёки ундан ксерокда нусха олиб, тўлдириб жўнатишингиз мумкин. Шунингдек, топшириқни бевосита газетадан қийиб олиб тўлдириб йўллашингиз ҳам мумкин.

Конкурснинг якуний босқичи 2000 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ёки ёз пайтида сўлим оромгоҳларнинг бирида 3-4 кун давомида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Асосий конкурс ёлибларини

телевизор,

магнитофон,

аудио-плеер

каби қимматбаҳо совринлар кутмоқда. Қолган кичик конкурс шартларини газетанинг кейинги сонларида эълон қиламиз. Кичик конкурс ёлиблари учун ҳам алоҳида махсус совринлар белгиланган.

XXI аср фани бўйича ўтказилаётган конкурсга турли янгиликларга қизиқувчан, тиришқоқ ва ижодий фикрлайдиган ўқувчиларни таклиф қиламиз.

Омад сизга ёр, билим мадакор бўлсин!

Конкурс ташкилотчилари

БАНКЛАР

2 - ДАРС

ОМОНАТ ВА ҚАРЗ

Қуйидаги вазиятни таҳлил қилайлик. Бурхоновлар оиласи уйларига мебель сотиб олишмоқчи. Лекин айни пайтда уларнинг мебель сотиб олишга етарли миқдордаги пуллари йўқ. Нима қилиш керак?

Албатта, пулни аста-секин, ойма-ой йиғиб жамғариш керак. Лекин пул жамғариш ҳам осон иш эмас, уни ҳам билиш керак.

Пул жамғаришнинг нимаси қийин, нимасини билиш керак деб айтишингиз ҳам мумкин. Кимдир пулни сандиққа йиғади, кимдир хумга солиб қўяди, кимдир кўрпа орасига яшириб қўяди. Ҳамма ҳар хил йиғади. Шундай-ку, лекин пулни бундай усулларда жамғарганда, унинг миқдори камайса - камайдик (масалан, ўғирлатиб ёки йўқотиб қўйилса), лекин кўпаймайди.

Хўш, қандай қилиб жамғарилса, пул ўзидан-ўзи кўпайиб қолади?


Ҳа, албатта! Агар пул банкларда сақланса, у кун сайин кўпайиб боради.

Бурхоновлар оиласи пулларини банкда сақласалар, бу бир томондан ишончли бўлади, чунки уни ҳеч ким ўғирлай олмайди. Иккинчи томондан эса банк топширилган пулни кўпайтириб қайтариб беради.

Банкка топширилган пул - омонат, топширган шахс эса омонатчи, деб аталади.

Ўз-ўзидан, банклар пулни қандай қилиб кўпайтиришади, деган савол туғилиши табиий. Ҳамма гап шундаки, банк нафақат пулларни омонатчилардан сақлаш учун олади. Балки, бу пулларни унга муҳтож бўлган одамларга қарзга ҳам беради. Пуллар бир кишидан сақлаш учун олинса, бир жойда сарғайиб ётгандан кўра, иккинчи кишига қарзга берилади. Шу тариқа, пуллар банкнинг бир эшигидан кириб, иккинчи эшигидан яна чиқиб кетади, яъни тинмай “ишлайди”. Шу жиҳатдан пулларни иқтисодиётнинг қони десак, банкларни пулларни доимий ҳаракатга келтириб турувчи юрак, деб айтишимиз мумкин.

Албатта, банк қарз олувчи кишидан қарз бериб турганлиги учун яна қўшимча ҳақ ҳам олади. Худди мана шу қўшимча ҳақнинг бир қисми омонатчи пулига қўшилиб қайтарилади. Қолган қисми эса банкнинг хизмат ҳақи сифатида банкда қолади.



1 - расм.

Буни қуйидаги мисолда тушунтиришга ҳаракат қилайлик. Банкка эрталаб фуқаро Алиев кириб келди ва 10000 сўм пулни сақлаш учун топширди. Банк омонатчи Алиевга омонатини бир йилдан сўнг 12000 сўм қилиб қайтарадиган бўлди. Шу кун фуқаро Валиев банкдан 10000 сўм қарз олди. Қарз олувчи Валиев бу қарзни бир йилдан сўнг 14000 сўм қилиб қайтарадиган бўлди.



2 - расм.

Бир йилдан сўнг, банк Валиев қайтариб берган 14000 сўмнинг 12000 сўмини Алиевга берди. Натигада банк ҳар иккала мижозга кўрсатган хизмати учун 2000 сўм миқдорда фойда кўрди.



3 - расм.

Банк - хурсанд, чунки 2000 сўм фойда кўрди. Алиев хурсанд, чунки 10000 сўм пули - 12000 сўм бўлди.

Валиев-чи? Валиев ҳам хурсанд, чунки у банкдан олган пулига “хот-дог” пиширадиган кичкина ускуна сотиб олиб, бир йил ичида 20000 сўм “ишлади”. Банкка 14000 сўм қайтаргандан сўнг эса 6000 сўм фойда қилди ва “хот-дог” пиширадиган ускунали бўлиб қолди.

2 - ДАРС

ОМОНАТ ВА ҚАРЗ

1. Бўш қолдирилган жойларни жумла мазмундан келиб чиқиб тўлдилинг.

Банк _____ хизмати учун қўшимча ҳақ олади, _____

_____ хизмати учун қўшимча ҳақ тўлайди.

2. Банкда пулнинг қандай қилиб кўпайишини мисол ёрдамида тушунтиринг.

Жавоб: _____

3. Оила пул жамғармасини банкда сақлашнинг афзалликлари ва ноқулай томонларини сананг.

Афзал томонлари _____

Ноқулайликлари _____

4. Қуйидаги жумлаларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаб, мос каттақларга мос равишда “+” ёки “-” белгиларини қўйинг.

- А. Ижара берилган буюмга омонат дейилади
- В. Банкка сақлаш учун топширилган пулга омонат дейилади
- С. Банкка тўланган пулга омонат дейилади.

5. Банкка топширилган 1000 сўм омонатга бир йилда р сўм қўшилади, банкдан берилган 1000 сўм қарзга эса, бир йилда q сўм қўшиб ундирилади. Қуйидаги муносабатлардан қайси бири ўринли?

- А. $p > q$ В. $p < q$ С. $p = q$

6. Битта банкнинг омонатчилари банкдаги ўз пулларини ёппасига қайтариб олишлари мумкинми?

Жавоб: _____

7. Тўғри жавобни топинг. Тижорат банк ходимларига иш ҳақини...




- А. Қўйилган омонатлар...
 - В. Давлат хазинаси...
 - С. Банк фойдаси...
- ... ҳисобидан тўлайди.

8. Банкдан қарз олишнинг афзалликлари ва ноқулай томонларини сананг.

Афзалликлари _____

Ноқулайликлари _____

МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:
700029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони,
2-ўй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).



ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ



Жалолiddин Мангуберди 1200-1220 йилларда Хоразмда ҳукмронлик қилган Хоразмшоҳ Султон Муҳаммад Алабуддиннинг ўғлидир. Уша даврда Хоразмшоҳлар салтанати Шарқдаги энг қудратли давлатлардан бири эди. XII асрнинг бошларида Урта Осиёга Чингизхон бостириб киради. Чингизхон бу мустақкам давлатни енгинга қодир эмас эди. Хоразмшоҳ кўрқоқ сарой аёиларининг сўзларига киради. Беш юз мингга яқин кўшинини бирлаштириб душманга зарба бериш ўрнига аскарларини мамлакатнинг турли жойларига бўлиб - бўлиб юбориб «ҳар бир қалъа ўз ҳолича жанг қилсин» деб фармон беради. Хоразмшоҳнинг жасур ўғли Жалолiddин Мангуберди кўшинга саркардалик қилиб, душманга қақшатқич зарба бериш ташаббуси билан чиқади. Шоҳ ўғлининг бу фикрини нотўғри тушунади. Ўғлим менинг тожу- тахтимга кўз олайтиряпти деб ўйлаб, Жалолiddинни тахт ворислигидан маҳрум

қилади. Лекин бундан Жалолiddин ҳеч хафа бўлмайди. Чунки Жалолiddинни тожу тахт эмас, душмани Ватандан тезроқ даф қилиш масаласи қизиқтиради.

Бир сўз билан айтганда Хоразмшоҳ кўшини ихтиёрини ўғлига бермайди. Шунда ботир Жалолiddин ўзининг хос навкарлари билан жангга отланади. Насса (ҳозирги Ашгабод) шаҳри атрофида душманга қақшатқич зарба беради. Кўн навкарлари жангда ҳалок бўлади. Ўзи жанг майдонидан омон чиқади. Шундан кейин Жалолiddин озгина аскар билан Ғазна томонга кетиб, Чингизхоннинг машҳур саркардаси Шиқи Хутуху билан жанг қилиб, унинг кўшинини қириб ташлайди. Бу жангни ўз кўзи билан кўрган Чингизхон Жалолiddиннинг жасоратига, ҳарбий маҳоратига тан беради.

Кўйидаги дostonчада ана шу воқеалар тасвирланган.

I

Жалолiddин баҳодир,
Ўсди ҳар ишга қодир.
Тоғдай эди қомати,
Шерга монанд келбати.
Агар Жалол тортса ёй,
Инонмайсиз ҳойнаҳой.
Тошни тешиб ўтарди
Олисларга кетарди.
Қилчбозлик тушганда,
Кўл билан олишганда,
Доим ғолиб чиқарди,
Соврун, олиб чиқарди.
Ҳали ёш экан Жалол
Уни ўлжам деб хаёл.
Ташланди унга қоплон,
Шунда кичик паҳлавон,
Қоплонга найза санчди,
Ўлдириб роса янчди.
Отда чопса мард Жалол,
Ортда қоларди шамол.
Ботир минган оқ тулпор,
Кўёида товлангандай қор,
Минг товланиб турарди,
Ёли тўлқин урарди.
Қоядан сакраб тикка,
Гоҳ сапчирди фалакка.
Филдай азамат Жалол
Туронда топди камол.
Унга бирдир шоҳ гадо,
Юртига жони фидо.
Севар эди боғларин,
Кумуш сочли тоғларин.
Бепаён яйловларин,
Ўлжага мўл овларин.
Полвонлар курашини
Кўчқорлар урушини.
Оҳ! Амунинг сувлари,
Қоракўз охулари...
Халқи танти, бағри кенг
Тарихи осмонла тенг.
Урганждаги қасрлар
Туриб неча асрлар.
Йўқотмади сайқалин,
Олтин кумушли ҳалин.
Ҳамон туради мағрур,
Жалолга бериб сурур
Завқини оширади,
Ақлини шоширарди.

Туроб АКБАРХЎЖАЕВ

ЧИНГИЗ ТАН БЕРГАН ЎҒЛОН

II

Жалол юртин ёв босди
Ёв дема олов босди.
Ёв келди тоғлар ошиб
Қонли дарёдай тошиб.
Урганж сари келарди,
Мисли бало еларди.
Ёнди шаҳар, қишлоқлар,
Кўм-кўк, кўм-кўк ўтлоқлар.
Бухоро-ю Самарқанд,
Мевалари гўё қанд.
Тошкент, қадим Ўтрор,
Кеи, Хўжанд, Ғузор.
Қолди зўр асоратда.
Кунлар ўтди ҳасратди.
Муҳаммад Хоразмшоҳ
Катта хато қилди оҳ!
Ҳар бир шаҳар ва қалъа,
Кенту кўтан ва дала.
Урушин ўз ҳолига,
Бир-бирин аҳволига.

Қайшимасин сира ҳам,
Тарқоқ турсин бўлмай жам.
Добон берди бир фармон
Бошланди нотинч замон.
Чунки йўқ эди сардор
Жалол каби байроқдор.
- Йўқ, - деди Малик Жалол,
Ғаним келмасин малол,
Бирлашмасак тўзамиз.
Ғар бирлашсак ўзамиз.
Мушт каби бирлашайлик,
Бир бўлиб сирлашайлик.
Куч бирликда отажон,
Бунни унутманг ҳар он.
Менга беринг лашкарни,
Қурол аслаҳа зарни.
Ўзим жангга бошлайман,
Ёвни қириб ташлайман.
Ғазабланди кекса шоҳ
Ўғлин фикрин англамай,
Сўзлаб кетди пайдар-пай
- Сен қилдинг катта гуноҳ...

Ҳали мен ўлмай туриб,
Юрибман ўйнаб кулиб
Кўз тикибсан тахтимга
Чанг солибсан бахтимга.
- Бундай гапни кўйинг шоҳ,
Тепамда бордир Аллоҳ,
Ғар бўлса шундай хаёл,
Шу онда топай завол.
- Билдим, қабиҳ ниятинг,
Ичда экан иллатинг.
Тоғим қилибсан ҳавас,
Ўзингни оқлама бас!
Бор кўринма кўзимга,
Энди кўргин ўзиндан.
Тахтдан маҳрум этаман,
Тоғдан маҳрум этаман.
Сен эмассан валеаҳд,
Сендан юз ўғирди бахт.
- Турон менинг тахтимдир.
Юрт тинчлиги бахтимдир.
Кўёи заррин тоғимдир,
Эл олқини божимдир.
Тоғу тахт даркор эмас,
Тоғсиз яшаш ор эмас,
Ранжиманг олампаҳо,
Сизга тик боқмоқ гуноҳ.
(Давоми бор.)

Дунёдаги ҳар бир жонзот ўзи истаганча ҳаёт кечиради. Шунингдек қушлар ҳам ўзлари хоҳлаган жойларда учиб юрадилар, майин овозлари билан кўшиқ айтгандай сайраб, у дарахтдан бу дарахтга кўнадилар. Болалари учун ин қуриб, уларни едириб, ичирадилар... Баъзи одамлар бу қушларни тутиб, қафасда боқадилар. Қушлар ўз уйларига боришни, ўз дарахтларида қувнаб юришни жуда- жуда хоҳлайдилар. Қафасдан қутилиш йўлини излайдилар. Инсон озод бўлиб яшасам, дейди. Озод

инсон хоҳлаган ишини қилади, қушлар ҳам шуни орзулайди. Болалар қушларнинг озод бўлиб яшашида тўсқинлик қилмайлик. Озодлик ҳаммага керак!

ОЗОДЛИК



Форс тилидан
ТошДШИ талабаси
Нигора МИРЗАМУҲАМЕДОВА
таржима қилди.



ШОИРНИНГ КАТТА - КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Дунёнинг эртаклари жуда кўп. Улар болаларнинг юрагидек бегубор. Орзуларидек чексиз. Аслида ҳар бир боланинг ўзи бир сеҳрли эртак. Биз уларни суюб, алқаб эркалатар эканмиз, юрагимиз нурланиб бораётганини сезамиз. Боланинг бегуноҳлиги, поклигида улкан қудрат бор. Балки дунёни тугиб турган устун ҳам шу қудратдандир.

Агар мана шу жажжи юракда шеър ёлқини шуъла сочсам, унда бу ширинтой шеърлардан баҳраманд бўлган одам барча гуноҳдан фориг бўлаётганини сезиб

қолади.

Шоирнинг катта-кичиги бўлмайди. Яхши шеър ёза олган ҳар қандай инсон- шоирдир. Абдумажид ҳам шоир. У эндигина 12 ёшга тўлди. Аммо гап ёшда эмас экан. Унинг самимий, равон шеърларини ўқиб, болалар шеърятининг келажига ҳавас қилди. Бизга худди мана шундай болалар шоирлари керак. Абдумажиднинг шеърларидаги болалик хаёллари, орзулари ҳамманинг болалигига ўхшайди. Аммо шеърлари ўзига хос.

Ишонмасангиз ўзингиз ўқиб кўринг.

Ҳалима АҲМЕДОВА.

САБР

Ёз куну боққа кирди
Одобли бола Вали,
Бу пайт бордаги олма
Пишмаган эди ҳали.

Бориб олма ёнига,
«Исминг нима?» деб айтди.
Бунга жавобан хомуш
«Олма» деб жавоб қайтди.

«Олма» сўзин эшитиб,
Вали ундан олмади,
Начора оч бўлса ҳам,
Ўз йўлдан қолмади.

Сабр қилиб ҳар нечун
Илгари юрди Вали.
Йўлдан чиқиб қолди-ку
Бир қип-қизил Олвали.

У исминг нима- деса
Дарахт «Олвали» деди.
Хурсанд бўлиб Валижон
Мевадан тўйиб еди.

«НОГИРОН»
КАПТАРЛАР

Каптарвозман, каптарларим кўп,
Эрта-ю кеч хориб толаман.
Каптарларим учирсам ҳам хўп
Қанот қоқмас, хайрон қоламан.

Текис кесар ҳавони бироқ
Қанот қоқмас, хормай эрта-кеч.
Кўшимнинг каптаридек йироқ
Учолмайди бизникидан ҳеч.

Нега учмас, мен бутунлай лол.
Бўлганими ё ногирон каптар?
Кўшимники учар бемалол
Бизникилар бунчалар камтар?

Каптарларим учинг ҳе-хе-ҳей,
Яна учмас бизнинг каптарлар
Мен куймайин ким кийсин, эҳ-ҳе,
Эссиз, эссиз!
Эссиз дафтарлар.

ЎЗУМ
ЮЛЛАЙМАН

Йўраб «Пост»да туриб мен,
Узумларни пойлайман.
Қуш келса рогаткамни
Дарров қўлга жойлайман.

Бирор шохга ўқ отиб
Ҳазиллашиб қўяман.
Қуш учиб, узум тушар
Мен узумга тўяман.

Абдумажид МАҲМУДОВ,
Уйчи туманидаги
17-мактабнинг
6-синф ўқувчиси.



ОМИНАНИНГ САБОҒИ

Бир куни Оминанинг онаси Ойша ая нон ёпмоқчи бўлибди. Супра очиб хамир қорибди ва нон ёпа бошлабди. Омина кўчадан нон пишишига яқин келибди-да, дебди:

-Ойижон, нон пишдимми?

-Ҳа, пишди. Мана сенга нон, аммо ушогини ерга тўкмагин. Хўп-ми?

-Хўп, ойижон!

Омина шундай деб кўчага чиқиб кетибди. У нонни бир оз егач тўйиб қолибди. Қолган нонни дарахт тагига секингина отиб юборибди. Буни ҳеч ким сезмабди.

Бир куни Оминанинг аяси билан даласи меҳмонга кетишибди. Бир ўзи қолган Омина кўчага чиқиб ўйнай бошлабди. Қорни жудаям очгач, уйга кирибди.

Нон халтани очиб қараса нон қолмаган экан. У қорни жудаям очганидан йиғлаб юборибди. Кейин у аяси нон ёшанда егиси келмай қолган нонни дарахт тагига отиб юборганини эслабди. Ўша дарахт тагига бориб қараса нони турган эмиш. У хурсанд бўлиб кетибди. Кейин дарахт тагидаги нонни ея бошлабди. Қанчалик қаттиқ бўлмасин бошқа нонлардан кўра ширин туюлибди. У нон қадрини энди билибди. Энди ҳеч қачон нонни увол қилмайдиган бўлибди.

Наргиза
ХИКМАТОВА,
Тошкентдаги
Ю. МҶМИНОВ
номли мактабнинг
8-синф ўқувчиси.

ЭЛИМИ ҚИЗ-СЕЛИМИ ҚИЗ



Агар нина, тўғноғич каби
буюмларингиз занглаган
бўлса, бир бўлак совунга суқиб
қўйинг.

* * * *

Қайчи ўтмасланиб қолганда
унда қум қоғозни қирқиб
юборинг.

* * * *

Чанг артиш учун
дастрўмолчадек бамазей олиб,
қўлингизга мос қўлқоп
ўртасига уни тикиб қўясиз.
Чиройли ва қулай бу буюмда
шкаф, шифонер, тумбочка,
ойна каби уй жиҳозларини
эринмай артаверасиз.

БИЛАҒОН БОЛАЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Сиз саҳифаларда учрайдиган хатоларни албатта топиб, бизга ёзиб юборинг. Чунки билағон ва топағонлигингизни синаш мақсадида ҳарфлар тушириб қолдирилади ёки атайин қўшиб қўйилади. Тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмайди...

Сизнинг «Тонг юлдузи»ингиз.

ТАШТ ИЛДУЗИ

Ўзбекистон
болалари ва
ўсмирларининг
газетаси

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚҶМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ
ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир:

Умида
АБДУАЗИМОВА

ТАҒРИР ХАЙЪАТИ:

Йўлдош САИДЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Дадахон ЁҚУБОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Мирзағулаг ТОШПҶЛАТОВ,
Музаффар ПИРМАТОВ,
Баҳодир ҲАЙДАРОВ,
Эргашвой САРИҚОВ,
Феруза ОДИЛОВА.

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида
босилди. Ҳажми 2
босма табоқ
Буюртма — К-74-20.
43.351 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Газета PENTIUM-IP
компьютерорида
А. АБДУҒАФФОРОВ
саҳифалади.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилгоҳимиз 700129,
Тошкент шаҳар
Навий кўчаси 30-уй.
№64563
Тел: 144-62-34